

WAYS TO ENSURE INVESTMENT SAFETY OF METALLURGICAL INDUSTRIAL ENTERPRISES

Ergashev Jamshid Ahmadalievich

Tashkent State University of Economics, master's degree MIH-10

Металлургия саноати корхоналарининг Ўзбекистонда салоҳияти жаҳон бозорининг талабларидан сезиларли даражада пастлигини иқтисодиёт статистикасидан билишимиз мумкин, айрим саноат комплекслари узоқ вақтдан бери янги замонавий ускуналар, усуллар ва технологияларга муҳтоҷ.

Давлатимизда шунингдек, янада бир муҳим муаммо мавжӯуд бўлиб бу ҳам бўлса техника тқчилиги ва моддий база хомашёнинг етишмаслиги ҳисобланади. Юртимизда моддий ресурсларнинг мунтазам равишида танқислигини инобатга олган ҳолда саноат корхоналари техник базасини такомиллаштириш ва янгилаш, шунингдек, инновацион технологияларни жорий этиш ва техник саноатни ривожлантиришнинг янги босқичига ўтиш, технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва жорий қилиш ҳар қандай саноат корхонасининг асосий вазифаси қўйилса кўзлаган мақсадга аниқ режалар белгиланса металлургия соҳасидаги муаммолар ҳам ўз эчимини топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабръда қабул қилинган 4077-сонли “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига мувофиқ “Металлургия соҳасида ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноатнинг базавий тармоқларини техник ва технологик жиҳозлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қулай шартшароитлар яратиш, шунингдек, корхоналарнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш” алоҳида белгилаб берилганлиги барчамизга малум. Ушбу ишларнинг амалга оширилиши металлургия иқтисодиётининг ривожланиши ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги, инвестициявий муҳит яратилишига имконият яратади.

Кон-металлургия саноати маҳсулотлари негизида илғор жаҳон амалиёти асосида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, унга боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсади соҳа ривожига улкан мувофақиятлар олиб келади. Металлургия ва кон-металлургия саноатини узоқ муддатли истиқболда ишончли ресурс базаси билан таъминлаш учун мис, рангли, нодир ва ноёб металлар бўйича геология-қидирув ишларини кенгайтириш, геология фани ва геологик хизматлар бозорини ривожлантириш мақсаддага мувофиқдир.

Шу ўринда хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган қўп погонали қўшилган қиймат занжирларини яратишга қаратилган иқтисодиётнинг драйвери сифатида мисол тариқасида Республикада мис маҳсулоти ва у билан боғлиқ соҳаларда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий-технологик ташкил этишни олсак metallurgия соҳасидаги талабдан келиб чиқиб маҳсулотни ишлаб чиқариш катта фойда келтиради.

Ўзбекистон саноатининг асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланган қора metallurgия саноати корхоналари фаолият юритишлари учун самарали бошқарув тизимига эга бўлишлари аниқ режалар асосида иш фаолиятини шакиллантиришлари керак. Metallurgия саноати тармоғининг жадал ривожланиши унинг ҳар бир таркибий бўлинмасида ва умуман, тармоқда барқарор тақрор ишлаб чиқаришга эришилган тақдирдагина таъминланади. Metallurgия саноати корхоналарини ривожлантириш муаммолари қўйидагилар:

- асосий ишлаб чиқарувчи фондларининг эскирганлиги;
- темир йўл орқали юқ ташиш жараёнларининг режали ташкил этилмаганлиги;
- рақобат бардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- маҳсулотларни ишлаб чиқарилиш давлат буюртмаларига боғлиқлиги;
- соҳвда юқори малакали бошқарув кадрларининг етишмаслиги;
- ишлаб чиқаришга жалб қилинаётган банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги;
- маҳсулотларнинг етарли даражада рақобатбардош эмаслиги.

Металлургия саноати тузилмалари бошқарувидағи асосий қийинчиликлар қуидагилар яний: бош ва шуъба ташкилотлар (кatta ва кичик цехлар ҳамда бўлинмалар) ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг мураккаб тизимаси мавжудлиги, бир неча фаолият турлари бўйича (турли рангли металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва сотишда), жавобгарлик марказлари фаолиятини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва рағбатлантиришнинг муракаблаштирилган тизими мавжудлиги, фаолият турига қараб ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусияти каби металлургия саноатида мавжуд муаммоларнинг мавжудлиги.

Бизнинг назаримизда, автоматлаштирилган бошқарув тизимида интеграциялашган металлургия саноати тизим ягона молиявий ва хўжалик сифатида ишлаши керак. Бунинг учун ўзаро боғланган жавобгарлик марказлари (кatta ва кичик цехлар ҳамда бўлинмалар) асосий ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи функционал бўлинмалар ва хизматларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаган ҳолда оқилона молиявий-ишлаб чиқариш тузилмаси билан боғлиқ пул оқимлари ҳаракатининг схемасини ишлаб чиқиши ва илмий жиҳатдан асослаш зарур. Демак, металлургия саноати корхоналари муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун режалаштирилган тартибда иш фаолиятини йўлга қўйишини ҳисобга олиш, назорат ва таҳлил қилишини ўз ичига олувчи мукаммал механизм яратилиши керак деб биламиз. Бошқа саноат тармоқларидан фарқли ўлароқ, металлургия саноатида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёни билан боғлиқ ҳамда ишлаб чиқариш-хўжалик мажмуаларини ўзида намоён этувчи мураккаб тузилмалардан иборат жараённи ўз ичига олувчи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎРПҚ. 4077-сонли. “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 25.12.2018 й.
2. ЎРПҚ. 3277-сонли. “Ўзметкомбинат” АЖ бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 15 сентябрь.
3. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил
4. <http://tsue.uz/> Қора металлургия саноати тармоғини ривожланиш стратегиясини такомиллаштириш. Абдусаломова Нодира Баходировна ТДИУ, докторанти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)